

ҚИЙНОҚҚА ҚАРШИ КУРАШИШ – ИНСОН ҚАДР-ҚИММАТИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШНИНГ АСОСИЙ КАФОЛАТИ СИФАТИДА

Б.Т.Кадирова

Хуқуқни муҳофаза қилиш академиясининг Халқаро хуқуқ
ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кафедраси ўқитувчиси

ю.ф.ф.д

<https://doi.org/10.5281/zenodo.16784051>

Аннотация: ушбу мақолада қийноққа қарши курашиш, инсон қадр-қимматини ҳимоя қилиш ва шахсий дахлсизликни таъминлашнинг ҳуқуқий асослари таҳлил қилинган. Қийноқнинг халқаро ва миллий қонунчиликдаги ўрни ва қийноқни тақиқлашга йўналтирилган ҳуқуқий механизмларнинг амалга оширилишининг аҳамияти ҳақида ҳам сўз борган.

Калит сўзлар: қийноқ, инсон қадр-қиммати, шахсий дахлсизлик, халқаро хуқуқ, шафқатсиз муомала, қонунийлик

Қийноққа қарши курашиш инсон қадр-қимматини ҳимоя қилишнинг асосий кафолатларидан бири ҳисобланади. Бу йўналиш ҳар қандай демократик давлатнинг инсонпарварлик ва ҳуқуқий асослари билан боғлиқ бўлиб, фуқароларнинг дахлсизлигини таъминлашга хизмат қилади.

Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини тўлақонли таъминлаш, қийноққа қарши курашиш ва руҳий босим кўрсатишнинг олдини олиш долзарб масала бўлиб, ҳуқуқий демократик давлатларда инсоннинг шахсий дахлсизлиги ва қадр-қимматини таъминлашнинг асосий мезонларидан биридир. Дунёда зўровонликларга қарши курашиш, инсон қадрини улуғлаш юзасидан инсон қадрини улуғлаш ва шахсий дахлсизлигини таъминлаш юзасидан халқаро – ҳуқуқий ҳужжатлар, халқаро стандартлар ишлаб чиқилмоқда. Хусусан, халқаро – ҳуқуқий ҳужжатларда кўрсатилган нормалар чора - тадбирларнинг бажарилиши бир қаторида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича миллий чора -тадбирлар амалга оширилмоқда. Бунинг туб заминидан инсоннинг қадрини, шахсий дахлсизлиги ва ҳуқуқларини бузилмаслиги тўғри таъминланишга қаратилмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг “2022 - 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармонида “...ҳаракатланиш эркинлигини чеклаш билан боғлиқ чораларни қўллашда қонунийликни сўзсиз таъминлаш ҳамда рақамли технологияларни жорий этиш орқали жамоатчилик назоратини кучайтириш ҳамда қийноқларнинг олдини олиш бўйича превентив механизмларни такомиллаштириш ва ушбу йўналишда махсус қонун қабул қилиш”¹ вазифалари келтирилган.

Бундан кўзланган мақсад, жиноятчиликнинг олдини олиш ва қарши курашиш, жиноят процесси иштирокчиларига нисбатан қийноққа солиш ҳолатларини, шунингдек, бундай ҳолатларни келтириб чиқариш сабабларини бартараф этишда “Инсон ҳуқуқлари

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 28-январдаги “2022 - 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони 14-мақсади. Электрон манба: <https://lex.uz/docs/5841063>

умумжаҳон Декларатсияси”²да қабул қилиш орқали фуқароларга нисбатан қийноқ ҳолатлари, шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни хўрловчи муомала ва жазо турларини қўллаш тақиқланган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида “тезкор-қидирув, тергов ва жазони ижро этиш соҳасида қийноқларнинг олдини олиш тизимини тубдан такомиллаштириш зарур. Ушбу ҳолатлар ҳали ҳам учраб тургани, фуқароларда жиддий эътирозларни келтириб чиқараётгани ҳамда мамлакатимизнинг халқаро нуфузига салбий таъсир кўрсатаётгани ҳам айна ҳақиқат”³. деб бежиз таъкидламаган.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини чекловчи жазо турларини қўллаш жинойтига қарши курашиш 1948 йил 10 декабрь Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси”ни қабул қилиш орқали қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз ғайриинсоний ёки кадр-қимматини хўрловчи муомала ва жазо турлари қўллашни халқаро даражада тақиқлаган.

Ўзбек тили изоҳли луғатида “Қийноқ-жисмоний ва руҳий азоб, азият, озор шунингдек, қийнаш, азоблашнинг усулларни ва уларни қўллаш”⁴ сифатида таъриф бериб ўтилган. Бундан ташқари, “Қийноққа солиш” тушунчасига ҳуқуқий таъриф илк бор БМТнинг Бош Ассамблеяси томонидан 1975 йил 9 декабрда қабул қилинган. “Ҳамма шахсларни қийноқлардан бошқа қаттиқ шафқатсиз ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ва жазо турларидан муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Декларацияда берилган.

Қайд этиш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 26-моддасида “Ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон кадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазйиққа дучор этилиши мумкин эмас.” лиги мустаҳкамлаб қўйилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 7-моддасида “жазо ва бошқа ҳуқуқий таъсир чоралари жисмоний азоб бериш ёки инсон кадр-қимматини камситиш мақсадини кўзламайди”-деб белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексида “ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон шаъни ва кадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазйиққа дучор этилиши мумкин эмас”⁵ лиги белгилаб қўйилган.

Ҳуқуқшунос олим А.Б. Ғафуров⁶ халқаро ҳуқуқ ва миллий қонунчиликнинг ўзаро алоқадорлиги уларнинг самарадорлигини оширишга хизмат қилиш лозимлиги, инсон ҳуқуқлари муаммоси қанчалик халқаро даражага кўтарилганидан қатъи назар, муаммо кўпроқ давлатларнинг ички ваколатларига боғлиқ бўлиб қолиши юзасидан фикр юритган.

“Қийноқлар ва бошқа шафқатсиз муомалаларни тақиқлаш, ўз моҳиятига кўра, ҳокимиятни амалга оширишга чекловлар қўйиш ва давлат юрисдикциясига

² 1948-йил 10-декабрда қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларатсияси https://www.ohchr.org/sites/default/files/UDHR/Documents/UDHR_Translations/uzb.pdf (15.08.2022 йил мурожаат қилинган сана)

³ Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси 29.12.2020 й. <https://president.uz>

⁴ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилд./ А.Мадвалиев таҳрири остида. –Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти. -2008. –Б.286.

⁵ Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексининг 17-моддаси 1994 й. <https://lex.uz>

⁶ G‘afurov A.B. “Inson huquqlari bo‘yicha xalqaro huquq va milliy qonunchilik normalarining o‘zaro munosabatlari (nazariya va amaliyot muammolari)” yuridik fanlari nomzodi ilmiy darajasini olish uchun yozilgan dissertatsiya. O‘zbekiston Respublikasi Ichki ishlar vazirligi Akademiyasi. Toshkent – 2000. –B. 136

бўйсунадиган ҳар қандай шахснинг дахлсизлиги ва қадр-қимматини тўлиқ ҳисобга олиш ва ҳурмат қилиш мажбуриятини юклаш орқали муносабатларни мустаҳкамлайди”⁷.

Мамалактимизда, 50 дан ортиқ миллий қонунчилигимиздаги ҳужжатларда шахсга нисбатан қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш билан боғлиқ қилмишлар содир этилишининг олдини олиш бўйича самарали механизмларни жорий қилиш, шунингдек, бундай қилмишлар учун жавобгарликни кучайтириш масалалари келтириб ўтилган.

Халқаро ҳуқуқий ҳужжатларга яъни 1984 йил 10 декабрдаги Қийноқларга солишга ва муомалада бўлиш ва жазолашнинг бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни таҳқирловчи турларига қарши Конвенцияга Ўзбекистон Республикаси 1995 йил 31 августда Олий Мажлис қарори билан қўшилган.

Конвенция талабларидан келиб чиқиб, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар қийноққа солиш, шафқатсиз ғайриинсоний ёки қадр-қимматини камситувчи ҳисобланган муомала ҳамда жазо турларини қўллаш жиноятига қарши курашиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 235-моддасида қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш учун жавобгарлик белгиланган.

Унга кўра, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органнинг ёки бошқа давлат органининг ходими томонидан ёхуд унинг далолатчилигида ёки хабардорлигида ёхуд индамай берган розилиги билан бошқа шахслар томонидан гумон қилинувчига, айбланувчига, судланувчига, маҳкумга, гувоҳга, жабрланувчига, жиноят процессининг бошқа иштирокчисига ёхуд уларнинг яқин қариндошларига улардан ёки бошқа учинчи шахсдан маълумот олиш мақсадида қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаганлиги учун максимал етти йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган.

Қийноққа қарши курашиш – фақат жиноят учун жазо қўллаш эмас, балки инсон қадр-қимматини ҳимоя қилиш, қонун устуворлиги ва адолатни таъминлашнинг асосий кафолатидир. Бу соҳадаги самарали чоралар ҳар қандай демократик ва инсонпарвар давлатнинг амалдаги мезони ҳисобланади.

Таъкидлаш лозимки, қийноққа қарши курашиш инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва шахснинг қадр-қимматини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлган бир йўналишдир. Ушбу масала ҳар қандай ҳуқуқий демократик давлатнинг асосий тамойили ҳисобланади. Қийноқ ва шафқатсиз муомалага қарши курашишга йўналтирилган халқаро ва миллий ҳуқуқий механизмлар, давлатларнинг инсонпарвар сиёсатини амалга ошириш учун асос бўлиб хизмат қилади.

⁷ Lutz Oette. “Austerity and the Limits of Policy-Induced Suffering: What Role for the Prohibition of Torture and Other Ill-Treatment?” Publication Date: 9 October 2015 Article.VC The Author [2015]. Published by Oxford University Press. doi: 10.1093/hrlr/ngv023 <https://academic.oup.com/hrlr/article/15/4/669/2356172>